

Ёшларга эътибор - келажакка эътибор

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида шакллангандан сўнг, биринчи навбатда ёшлар масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариб, уларни муҳофазасини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириб келмоқда. Бунга мисол қилиб, Республикамиз ҳукумати томонидан “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури”ни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябр 360 сонли «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори, ушбу қарор вояга етмаганлар таълим-тарбиясига масъул вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда бу борадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича катта ишларни амалга оширилишига асос сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳуқуқбузарликка мойил вояга етмаганлар билан ишлашда ички ишлар идоралари, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва ноқобил оилалар билан ишлашда маҳалла фаоллари, болаларнинг ўзини ўзи бошқариш тузилмаларини ривожлантиришда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, ўқувчилар ҳуқуқий таълим-тарбияси соҳасида ҳуқуқ тартибот муассасалари, соғломлаштириш масаласида соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорлик ишлари мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилмоқда. Ёшларга эътибор берилишини янада кучайтириш мақсадида Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2008 йил “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши ёшларни ижтимоий, сиёсий, иқтисодий саҳаларда фаоллигини уларни давлат ва жамият ишларига кенг жалб этиш ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлашга замин яратилди.

Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторидан жой олиши учун биринчи навбатда фуқароларнинг шу қаторда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва улар орасида қонунларни тарғибот қилишни кучайтириш лозим. Президентимиз И.А.Каримов “Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларнинг ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш шарт. Токи, жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва ўз масъулиятини пухта

* ТДЮИ кафедра мудири, ю.ф.н., доцент

** ТДЮИ ўқитувчиси

билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислохотлар, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамара кетаверади”- деб айтиб ўтган эди. Демак, ҳар бир кишининг ҳуқуқий маданиятли бўлмоғи жамият ва фаровон ҳаётимизнинг тақдири билан боғлиқ масаладир. Бу эса жойларда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш учун аҳоли ижтимоий тафаккури ва ҳуқуқий савияси юқори бўлиши муҳим ўрин тутди. Бунинг учун жойларда жамоатчиликнинг фаоллигини ошириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш муҳим ўрин тутди. Ҳар бир онгли киши бу ишга ўз ҳиссасини қўшмас экан, олиб борилаётган ҳаракатлар ўз натижасини бермайди.

Вояга етмаганлар орасида қонунбузарликларнинг олдини олишда таълим масканларида ёшлар ҳуқуқий билимини ошириш ва улар орасида қонунлар тарғиботини кучайтириш лозим. Чунки, ҳуқуқий тарбия уларнинг онги, ҳис-туйғулари ва хулқ-атворида таъсир кўрсатиш демакдир. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда миллий мафкурамизнинг ажралмас таркибий қисми бўлган аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга жиддий эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотига оид ҳуқуқларни рўёбга чиқариш ҳуқуқий дастакларнинг самарадорлигини ошириш, бу муҳитда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилаётганини халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф қилинмоқда.

Жумладан, ЮНИСЕФ томонидан 410 миллион нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Марказий ва Ғарбий Европа, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйининг жами 27та мамлакатининг ривожланишини ўз қамровига олган ҳуқуқий мониторинг ҳужжатларида инсон тараққиётининг танлаб олинган 20та кўрсаткичидан 9таси Ўзбекистонда сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилаётганлиги қайд этилган.

Мазкур ҳужжатда мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши болалар ва оналар ўлими, ўсмирлар орасида туғиш ҳолатлари, оналар ҳаётининг узайиши, никоҳнинг бекор бўлиши, ўсмирлар орасида жиноятчилик, ижтимоий муҳофаза ва бандлик

масалаларида ижобий силжишлар яққол намоён бўлаётганлиги баён қилинган.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, биз янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлидаги ислоҳотларимизни, ўзгаришларни кимларгадир яхши кўриниш учун эмас, балки бу ишларни аввало халқимиз манфаатларига тўла жавоб бергани учун амалга оширмоқдамиз¹. Шундай экан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, бу муҳитда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш билан шуғулланувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, мазкур йўналишда хорижий давлатлар тажрибасидан унумли фойдаланиш бу борада илмий-тадқиқотлар ўтказишни давом эттиришни талаб қилади.

¹ Халқ сўзи. -Т.: 2002 йил 5 апрель. № 73.